Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

● 2012-yil, 2-avgust. Payshanba ● 92 (31.524) Ijtimoiy-siyosiy gazeta ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan ● www.uzbekistonovozi.uz

## ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

### Бошланғич ташкилот — асосий таянч



**ҲАР БИР СИЁСИЙ ПАРТИЯНИНГ АСОСИЙ ТАЯНЧИ, ЭЛЕКТОРАТГА ЭНГ ЯҚИН БЎҒИНИ ШУБҲАСИЗ УНИНГ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРИДИР.**

Бу тузилма қанчалик фаол, ташаббускор, етакчилари жонкуяр бўлса, партиянинг обрўэтибори, жамиятга таъсири, олиб бораётган ишларининг самараси ҳам шунчалик юқори бўлади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ўн мингдан ортиқ бошланғич ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Улар орасида партия электорати манфаати йўлида турли ташаббуслар билан чиқиб, дастурий мақсадларимизни ҳаётга татбиқ этиш учун курашаётганлари кўпчиликни ташкил этади.

«Ўзтемирйўлйўловчи» очиқ акциядорлик жамиятининг Тошкент йўловчи ташишни ташкил қилиш филиалида тузилган БПТ партиямизнинг ана шундай қуйи бўғинларидан биридир.

— Корхонамизда партиямизнинг эллик нафарга яқин аъзоси фаолият кўрсатади, — дейди **бошланғич ташкилот етакчиси Мавлуда Ҳасанова.** — Улар қуйи ташкилот атрофида мустаҳкам жипслашган. Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеалар, дунёда бўлаётган ўзгаришлардан жамоадошларимизни хабардор қилиб бориш изчил йўлга қўйилган. Бу борада фикр алмашамиз, баҳслашамиз. Бошланғич ташкилот ишини янада жонлантириш, аъзоларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш учун яна нима қилишимиз кераклиги тўғрисида суҳбатлашамиз. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партиямиз депутатлик гуруҳига электорат манфаати ҳимоясига қаратилган таклифлар бериб борамиз. Жамоада ҳам кўплаб илғор ташаббусларни айнан бизнинг фаолларимиз илгари суришади. Ҳар бир аъзонинг жонкуярлиги эса БПТ фаолияти таъсирчанлигини оширишга хизмат қилмоқда.

### Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

# ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

## *ижтимоий тенглик, масъулият ва жавобгарликнинг муҳим воситаси*

**ҲОЗИРГИ ПАЙТДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИ БИЛАН БИРГА, УЛАРНИНГ ТАЛАБ ВА ЭҲТИЁЖЛАРИ ҲАМ ОРТИБ БОРАЯПТИ. БУ ЭСА РАҲБАР КАДРЛАРНИНГ МАСЪУЛИЯТИ ҲАР ҚАЧОНГИДАН ЮҚОРИ БЎЛИШИ, АЙНИҚСА, ОДАМЛАРНИНГ ҲАР БИР МУРОЖААТИГА ЭЪТИБОР БИЛАН ЁНДАШИШНИ ТАЛАБ ЭТАДИ. БУГУН МАНСАБДОР ШАХСЛАР ЎЗ ҲУҚУҚ ВА ВАКОЛАТЛАРИДАН ҚАНДАЙ ФОЙДАЛАНАЯПТИ? УЛАР ФАОЛИЯТИНИ КИМ НАЗОРАТ ҚИЛАДИ? КИМ УЛАРГА КАМЧИЛИКЛАРИНИ РЎЙ-РОСТ АЙТАДИ?**

2-бет

### Истиқлол имкониятлари



# ХОРАЗМ: ЮКСАЛИШ ВА ЯШАРИШ ЖАРАЁНИДА

**ШЎРО ЗАМОНЛАРИДА ЮРТИМИЗНИНГ ЭНГ ЧЕККА ГЎШАСИ — ХОРАЗМ ҲАҚИДА ГАП КЕТСА, КЎП ҚАДИМЛИГИ ТИЛГА ОЛИНИШИ АСНОСИДА «АГРАР ВОҲА»ЛИГИ АЛБАТТА ЭСЛАТИЛИБ ЎТИЛАРДИ.**

Негаки, салкам ярим миллион тонна атрофида пахта етиштириладиган вилоятда ақалли бирорта ҳам пахтани қайта ишлаб, тайёр маҳсулот ҳолида бозорга соладиган корхонанинг ўзи йўқ эди. Бўлмаганди.

Ўша вақтда чоп этилмиш рисолаларда воҳа саноати ҳақида сўз борса, «саноат кам тараққий этган» жумласи қайта-қайта тилга олинарди. Тўғрида, ҳар бир туман марказида пахтани қайта ишлаб, хомашё — толага айлантирадиган заводлардан бошқа ҳеч вақо йўқ эди-да. Той-той толалар эса вагонларга ортилиб, қай бир шаҳарлардаги енгил саноат корхоналарига пойма-пой етказиб бериларди. Йил ўн икки ой шу аҳвол. Ўзимизнинг корхоналар бўлса ҳам бошқа гап эди. Қайда! Ишлаб чиқарувчи — йил бўйи далада тунаган пахтакор-деҳқон у шаҳарларни қайда жойлашгани у ёқда турсин, ҳатто номини айтишга ҳам қийналарди...

⇨ 3

# ТЕСТ СИНОВЛАРИ ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТДИ



**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАШАББУСИ БИЛАН ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН УЛКАН БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ, ЯРАТИЛГАН ЗАМОНАВИЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР ВИЛОЯТ ЁШЛАРИНИНГ ЕТУК МУТАХАССИС БЎЛИБ ЕТИШИШЛАРИДА МУҲИМ ОМИЛ БЎЛМОҚДА.**

Шу боис ёшлар орасида ушбу университет талабаси бўлишга интилиш йилдан-йилга кучайиб бораётир. Қабул комиссиясидан олинган маълумотларга кўра, ўтган йили 20 минг 182 йигит-қиз мазкур олий таълим муассасасида ўқиш истагини билдирган бўлса, бу йил 21 минг 841 абитуриент ҳужжат топширган.

Университетда жаҳон андозаларига мос шароитлар яратилган. Айни вақтда вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги туб ўзгаришлар таълим муассасасида янги ўқув йўналишларини очиш ҳамда ҳар томонлама етук мутахассислар тайёрлашни тақозо этаётир.

Хусусан, ўтган йили 24 бакалавр таълим йўналишига ҳужжат топширилган бўлса, бу йил олтита янги таълим йўналиши ташкил этилди.

Жорий йилда абитуриентлар ўртасида ўзбек филологияси, тарих, биология, география, бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий ишлари, мактабгача таълим каби мутахассисликларга қизиқиш ортгани кузатилди.

— Ёш авлодга таълим-тарбия бериб, илм ўргатишнинг ўзи бир бахт, — дейди шу йил Термиз шаҳридаги 2-академик лицейни тугатган Ўразгул Суюнова. — Уч йил давомида барча қулайликларга эга академик лицейда ўқиб, фан сирларини чуқур эгалладим. Устозларимдек ўқитувчи бўлишни ният қилиб, университетнинг биология факультетига ҳужжат топширдим. Тест синовлари учун яратилган шароитлар менда катта таассурот қолдирди.

⇨ 2

**Бугунги сонда**

**Партиялараро баҳс**

● **ГАПИРИШДАН ОЛДИН ЎЙЛАШ КЕРАК**
ёки «Адолат» СДП ўз электорати борасида ҳамон аниқ бир тўхтамга келолмаётгани хусусида *2-бет*

**Диққат!**

● **ТЕЗКОР РАҚАМЛАР ЎЗГАРДИ**
01 — «101», 02 — «102», 03 — «103»... *3-бет*

**Хориж**

● **ВЕЛОСИПЕДДА ҲАРАКАТЛАНИШ УЧУН**
алоҳида йўллар қурилмоқда *3-бет*

### Лондон олимпиадаси

# КУРАШЛАР КЕСКИН ДАВОМ ЭТМОҚДА

**МУСОБАҚАЛАРНИНГ ДАСТЛАБКИ КУНИДА ИҚТИДОРЛИ ДЗЮДОЧИМИЗ РИШОД СОБИРОВ (60 КГ)НИНГ ЛОНДОН ОЛИМПИАДАСИДА ИЛК БРОНЗА МЕДАЛИГА САЗОВОР БЎЛГАНЛИГИНИ ХАБАР ҚИЛГАНДИК. ШУ КУНЛАРДА ҚОЛГАН ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ҲАМ АСТА-СЕКИН БЕЛЛАШУВЛАРДА ЎЗ ОМАДЛАРИНИ СИНАБ КЎРИШМОҚДА.**

4-бет



# ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

## ижтимоий тенглик, масъулият ва жавобгарликнинг муҳим воситаси

Демократик жараёнларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг самарали институти ҳисобланган жамоатчилик назорати тизими шу маънода муҳим аҳамиятга эга. У фуқаролар, оммавий ахборот воситалари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, касаба уюшмалари сингари фуқаролик жамияти институтлари томонидан амалга оширилади. Жамоатчилик назоратида асосий эътибор давлат ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида қонун устуворлигини, мансабдор шахслар томонидан Конституция ҳамда қонунлар талабларининг сўзсиз бажарилишини таъминлашга қаратилади.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Жамоатчилик назорати мансабдор шахсларнинг масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириб, улар фаолияти самарадорлигини оширади. Қолаверса, жамоатчилик назорати давлат ҳокимияти ва фуқаролар ўртасида ўзаро муносабатларни яқинлаштириб, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлайди.

Маълумки, Концепцияда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик жамияти институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратишга катта урғу берилган. Бу борада «**Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида**»ги Қонунни қабул қилиш зарурияти, унда жамоатчилик назоратининг турлари, шакллари ва субъектлари, назорат предмети, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини, шунингдек, мазкур соҳада амалдаги қонун ҳужжатларини ижро этмагани учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги шартларини белгилаб қўйиш муҳимлиги таъкидланган.

Ҳозирги кунда бу қонун лойиҳасини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан янада чуқурроқ тадқиқ этиш, уни мукаммал ва пухта қабул қилиш барча олим ва амалиётчиларимиз, парламентимиз олдида турган долзарб вазифалардан биридир. Бу — бежиз эмас. Тажрибадан маълумки, жамият ривожланган сари давлатнинг кўпгина вазифалари, шу жумладан, назорат вазифаси ҳам, унинг роли ва аҳамияти ҳам тобора камайиб, у ўз ўрнини жамоат ва нодавлат ташкилотларига, фуқаролик жамияти институтлари ва идораларига бериши, бу жараён мунтазам кучайиб бориши зарур.

Жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонун айнан шу мақсадга эришишда муҳим ҳуқуқий асос бўлади. Шу кунларда партиямиз ғоявий мақсадлари ва электорат манфаатидан келиб чиқиб мазкур қонун лойиҳасига ўз таклифларимизни тайёрлаяпмиз.

Шунингдек, мазкур қонун лойиҳасини тайёрлаш борасида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидан мутасадди бўлган Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, юртимиздаги барча вилоят, туман ва шаҳарларда, энг чекка қишлоқ ҳамда овулларда йиғилишлар ўтказилиб, кенг жамоатчилик ва фуқаролик жамияти институтлари вакилларининг қонун лойиҳаси бўйича билдираётган фикр-мулоҳазалари, таклиф ва тавсиялари тингланмоқда.

Яқинда қўмитамиз томонидан Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда **«Ўзбекистонда фуқароларнинг мурожаатлари: қонунчилик ва амалиёт»** мавзусида семинар ўтказилди. Унда мазкур масалада қонунчилигимиздаги мавжуд ҳолат ва қонунчилик базасини янада такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар алмашилди. Иштирокчилар баъзида мансабдор шахсларнинг масъулиятсизлиги, қонунларни яхши билмаслиги жамият тараққиёти ва жадал ривожланиши учун жиддий тўсиқ бўлаётгани, шу боис жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонунга мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини белгилаб берувчи алоҳида моддалар киритилиши лозимлигини таъкидлашди.

Фуқаролик жамиятининг асосини инсон ва унинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари, манфаатлари ташкил этади. Жамоатчилик назорати эса ижтимоий муносабатларда муроса, тенглик, масъулият ва жавобгарликнинг барқарор бўлишида муҳим восита, кишиларнинг, хусусан, раҳбар кадрларнинг виждонан, ҳалол ва масъулият билан фаолият кўрсатишига хизмат қилувчи энг асосий мезон бўлмоғи лозим. Мақсадимиз — янги яратилаётган қонунга ана шу тамойилларни сингдиришдир.

### Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига



**Зиёвиддин МАНСУРОВ,**
*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси.*

---

### ЎзХДП: электорат манфаати

# ДЕПУТАТ СЎРОВИ: БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

**«Депутат тегишли ҳудудда жойлашган давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ва ўз нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан депутат сўрови юборишга ҳақлидир»**

*(«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашининг депутати тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддаси)*

Депутат халқ вакили. Шу боис унинг зиммасига аҳолини ўйлантираётган масалаларни ечишда фаоллик кўрсатиш, одамлар манфаати йўлида мунтазам изланиш, елиб-югуриш талаб этилади. Бу борада унга катта ҳуқуқ ва ваколат берилган. Айниқса, депутатлик сўрови жойлардаги муаммоларни чуқур ўрганиш, электоратни ташвишга солаётган муаммоларни ижобий ҳал этиш, турли корхона ва ташкилотлар билан доимий алоқа ўрнатишнинг энг қулай ва синалган институти ҳисобланади.

Жиззах вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ЎзХДПдан сайланган депутатлар бу масалага жиддий ёндашиб келишади. Муҳими, бу билан электорат вакилларининг оғири енгил бўляпти, муаммолар ҳал этиляпти. Бу ҳақда кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, ўтган йили «Марказгазтаъминот» унитар корхонаси Жиззах вилояти мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи номига «Қулписар» қишлоғига борган газ қувурида босим етарли бўлмагани учун аҳоли азият чекаётганлиги ҳақида депутатлик сўрови берилди. Сайловчилар томонидан билдирилган эътироз бу ташкилот томонидан ижобий ҳал этилди. 9,5 километрдан зиёд масофадаги газ тармоғи бошқа жойга кўчирилиб, юқори босимли станцияга уланди.

Бундан ташқари шу йилнинг 15 март куни шу бошқармага Жиззах туманидаги «Зиёкор» қишлоқ фуқаролар йиғинидаги 7 та кўчада аҳоли хонадонларини газ билан таъминлашда узилишлар рўй бераётганлиги бўйича депутатлик сўрови юборилди. Бошқарма раҳбарияти томонидан «Мукаммалқурилишсавдо» хусусий корхонаси томонидан 1,5 километр масофага газ тармоғи тортиш ишлари шу йилга режалаштирилгани маълум қилинди.

Яқинда тумандаги «Қўшбармоқ» қишлоғида истиқомат қилувчи Ж.Чинозова фарзандларига кам таъминланганлик тўғрисидаги нафақани ололмаётганини айтиб, мурожаат қилди. Бу ҳақда туман бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бўлинмаси раҳбари Х.Содиқовга депутатлик сўрови юборилди. Натижада шикоятчининг талаби ўша куннинг ўзидаёқ ҳал этилди.

Яна бир мисол. Транспорт йўлларини таъмирлаш, яроқсиз ҳолга келганларини бутунлай қайта қуриш алоҳида диққат-эътиборда турибди. Республика Молия вазирлиги ҳузуридаги йўл жамғармаси директори Ж.Шукуровга 4Р-39 «Учтепа-Оқтом» автомобиль йўлининг қарийб 3 километрдан зиёд қисми яроқсиз ҳолга келиб қолгани, «Қили» канали устидан ўтган кўприк таъмирталаблиги ҳақида депутатлик сўрови билан мурожаат қилинди. Жамғарма директорининг жавоб хатида «Ўзавтойўл» ДАКга Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 31 декабрдаги 3052-сонли қарорида белгиланган жорий таъмирлаш иш тури бўйича ўрнатилган тартибда нуқсонлар далолатномаси расмийлаштирилиб, лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида йўлдаги носозликларни (кўприк билан бирга) бартараф этиш юклангани баён этилган.

Аммо айрим мутасадди ташкилотлар раҳбарлари турли сабабларни рўкач қилиб, депутатлик сўровига жавоб бермасликка уринаётганини ҳам таъкидлаш жоиз. Тумандаги сув истеъмолчилари уюшмаси ҳудудидаги клуб биноси ташландиқ ҳолга келиб қолганлиги ва уни таъмирлашни режага киритиш зарурлиги ҳақида депутатлик сўровига мана икки ойдирки, вилоят Маданият ва спорт ишлари бошқармасидан жавоб олинмади. Ваҳоланки, ҳар бир сўровга тегишли ташкилотлар 10 кун ичида жавоб йўллаши лозимлиги қонунда белгилаб қўйилган.

Ҳозирда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш энг долзарб вазифалардан бири бўлиб турибди. Ҳар йили давлат бюджети ҳисобидан аҳолини мунтазам тоза ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилашга катта маблағ ажратилади.

«Зиёкор» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида 19 та сув қудуғи мавжуд бўлиб, унинг 16 таси ишлаяпти. Ишламаётган сув қудуқлари аҳолини ташвишга солаётгани айтилиб, уларни ишга тушириш чораларини кўришни сўраб тегишли идораларга депутатлик сўрови билан мурожаат қилинди. Яқинда туман ҳокимлигидан бу сўровга жавоб олинди. Аммо унда умумий гаплардан нарига ўтилмаган. Яъни, муаммонинг ечими бўйича аниқ амалий ҳаракат ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

Демак, депутатлик сўровларига лоқайд қараётган ҳоллар ҳамон учраб турибди. Биз депутатлик сўровидан фойдаланиш жараёнида мутасадди ташкилот раҳбарларининг бу борадаги масъулиятини ҳам ошириш чораларини кўришимиз лозим. Депутатлик сўровига беписанд қараганларга ўз таъсир кучимизни кўрсатмасак, сўзимиз ерда қолади, одамлар ишончини оқлай олмаймиз. Қатъийлик ва талабчанлик билан аҳоли талаб ва истакларини рўёбга чиқариш, уларнинг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш имконияти янада кенгаяди, депутат ҳам, раҳбар ҳам халқ олдидаги бурчини адо этишга эришади.

**Акром ИНОМОВ,**
**Халқ депутатлари Жиззах вилоят кенгаши депутати, вилоят кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари.**

---

### ЎзХДП: Хотин-қизлар манфаатини ҳимоя қилиш — устувор вазифа



# «ФАОЛ АЁЛЛАР» ТАШАББУСИ БИЛАН

**ХОТИН-ҚИЗЛАР МАНФААТИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЎЗБЕКИСТОН ХДП ФАОЛИЯТИНИНГ МУҲИМ ДАСТУРИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИДАН ҲИСОБЛАНАДИ. БУ БОРАДА ПАРТИЯНИНГ САМАРҚАНД ВИЛОЯТ КЕНГАШИ «ФАОЛ АЁЛЛАР» ҚАНОТИ ҚАТОР ТАШАББУСЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИБ КЕЛМОҚДА.**

Иштихон туманида «Мустаҳкам оила — жамият таянчи» мавзусида ташкил этилган амалий семинарда электорат вакиллари, депутатлар, партия фаоллари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда Соғлиқни сақлаш бошқармаси ходимлари иштирок этди.

— Бугунги кунда қанот олдида турган энг муҳим вазифа — бошланғич партия ташкилотлари, маҳаллий Кенгашлардаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари, фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, маҳаллалар билан ҳамкорликда амалий ишлар самарадорлигини оширишдан иборат, — деди **вилоят партия кенгаши «Фаол аёллар» қаноти етакчиси Шоира Норкулова.** — Бу эса энг аввало, электорат орасига чуқур кириб бориш, хотин-қизларни ташвишга солаётган муаммоларни атрофлича ўрганиш ва уларга ижобий ечим топишни талаб этади. Бундан ташқари, аёлларни ўйлантираётган масалаларни ўрганиш ва ҳал этишда Жамоатчилик қабулхоналари имкониятидан самарали фойдаланиш зарур.

Тадбирда электорат вакилларига «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуннинг мазмун-моҳияти, ўз оилавий бизнесини йўлга қўйиш ниятида бўлганлар учун яратилган имтиёз ва қулайликлар ҳақида тушунчалар берилди. Семинар доирасида бола тарбияси билан банд аёлларни оилавий тадбиркорлик ва касаначилик меҳнатига жалб қилиш мақсадида меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Бунинг натижасида 15 нафар хотин-қиз ўзига муносиб ишга эга бўлди.

Тадбир сўнгида кўчма Жамоатчилик қабулхонасида фуқароларнинг мурожаатлари тингланди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлари томонидан уларни ўйлантираётган муаммолар ечими юзасидан керакли тавсия ва маслаҳатлар берилди. Айрим масалаларни тегишли ташкилот ва идоралар орқали ҳал этишни депутатлар ўз зиммасига олди.

**Абдували ХУДОЁРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

---

### Партияларaро баҳс

# ГАПИРИШДАН ОЛДИН ЎЙЛАШ КЕРАК

## ёки «Адолат» СДП ўз электорати борасида ҳамон аниқ бир тўхтамга келолмаётгани хусусида

**КЎППАРТИЯВИЙЛИК ТИЗИМИ ШАРОИТИДА ҲАР БИР СИЁСИЙ ПАРТИЯ ЎЗИНИНГ МУҚОБИЛ ДАСТУР ВА ҒОЯЛАРИНИ ЖАМИЯТГА ТАТБИҚ ЭТИШ УЧУН КУРАШАДИ. БУ СИЁСИЙ КУРАШ ҲАР БИР ПАРТИЯНИНГ ЎЗ ЭЛЕКТОРАТИ МАНФААТИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИ. ТАБИИЙКИ, БУНИНГ УЧУН СИЁСИЙ КУЧНИНГ ЭЛЕКТОРАТИ АНИҚ БЎЛИШИ ТАЛАБ ЭТИЛАДИ.**

Яқинда «Адолат» СДП сайтида эълон қилинган ва кўпчиликни таажжубга солган «Журналистлар — бизнинг электоратимиз» сарлавҳали мақолага муносабат билдирган эдик. Унда қандай мезонларга, қайси асосга таяниб, ушбу фикр илгари сурилгани тўғрисида масала қўйилган эди. «Адолат» газетасида унга жавоб тарзида босилган «Журналистлар ҳам ижтимоий адолат тарафдори» сарлавҳали мақолани ўқигач, «адолат»чилар асосий масала бир четда қолиб, гапни бошқа ёққа олиб қочгани аён бўлиб қолди.

Мақолада қайд этилишича, «**Адолат туйғуси журналистнинг ёки журналистиканинг моҳиятини белгилайди. Адолат туйғусидан юзини четга бурадиган бирорта журналист борлигига ишонмаймиз. Шундай экан, «Ўзбекистон овози» газетаси ижодкорлари ҳам адолатдан юз ўгиролмаса керак. Адолат деган сўз, туйғу, тушунча эмасми, ҳар қандай журналистнинг қалбини титратган. Йўқ денгчи? Йўқ дейдиган журналист ўз танасига ўйлаб кўрсинчи?!».**

Шу ўринда озгина бўлса-да соғлом фикрлаб кўрайлик. Биз нима деган эдигу, «адолат»чилар нималар дейишаяпти? Баҳснинг асосий мавзуси бир четда қолиб, сафсатабозликка ўтишганидан кўриниб турибдики, улар айтишга айтиб қўйган даъволарини исботлай олмай қийналишаётганга ўхшайди.

Мақолада яна бир ғалати савол ўртага ташланади: «**Шу билан бирга, оммавий ахборот воситалари ходимлари «Ўзбекистонни кучли, обрўли, ўзини ўзи таъминлай оладиган давлат сифатида кўришни, миллатлараро тотувлик ва ижтимоий адолат ҳукм сурадиган жамиятда яшашни истайдиганлар» сирасига кирмайдими?»**

Агар масалага «адолат»чилар нуқтаи назаридан келиб чиқиб ёндашадиган бўлсак, демак, мамлакатимизда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро «Адолат» партиясининг электорати бўлиб чиқади-ку!

Бундай даъвони илгари суришдан олдин «адолат»чилар ўйлаб кўришлари керак эди: Қайси журналист ЎзЛиДеП дастурида акс этган кичик бизнес ва тадбиркорлик ёки фермерлик ҳаракати ривожига қарши бўлади? Ёки ким ЎзМТДП ғоялари — миллий анъаналар ва қадриятларимизни асраш, ривожлантириш тарафдори эмас? Шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами, яъни, жисмоний имконияти чекланган кишилар, пенсионерлар, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларни қўллаб-қувватлашдек эзгу мақсадларга ким хайрихоҳ эмас? Бунақада сиёсий партияларнинг ҳар бири ҳаммани ўз электорати ҳисоблаши мумкин.

Биз масалани аниқ қўйган эдик. «Адолат» партиясининг дастури ёки бошқа ҳужжатида журналистлар «Адолат» СДП электорати экани тўғрисида маълумот учрамайди. «Адолат»чилар қандай қилиб бирданига журналистларни ўз электорати ҳисоблаб қолди?

Хўш, журналистлар «Адолат»нинг электорати ҳам дейлик. У ҳолда партия уларнинг манфаатини ҳимоя қилиш учун қандай чора-тадбирларни белгилаган? Оммавий ахборот воситалари ходимлари муаммоларига дахлдор қандай масалаларни кўтарди?

Бизнингча, улар бу мантиқсиз гапни айтиб қўйиб, энди хатони тан олгиси келмай, чалкаш фикрларни илгари суришмоқда.

Тажрибадан маълумки, соғлом ва конструктив рақобат тараққиётга эришишнинг асосий шартларидан ҳисобланади. Афсуски, «Адолат» нашрида соғлом, профессионал баҳсдан йироқ чиқишлар оз эмас. Бундан биринчи навбатда «адолат»чиларнинг ўзлари зиён кўришади.





**Масалага «адолат»чилар нуқтаи назаридан келиб чиқиб ёндашадиган бўлсак, демак, мамлакатимизда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро «Адолат» партиясининг электорати бўлиб чиқади-ку!**

**Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ**

---

# ТЕСТ СИНОВЛАРИ ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТДИ

Университетда тест синовларини адолат тамойилларига мувофиқ юксак савияда ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг учун вилоят марказида 28 бино тайёрланиб, барча хона ва қаватларга аудитория раҳбари, вакиллар, кузатувчилар тайинланди. Аудиториялар тоза ичимлик суви билан таъминланди. Тиббий хизмат кўрсатиш хоналарида етарли қулайликлар яратилди. Аудитория раҳбари, вакил ва кузатувчилар учун махсус ўқув семинарлари ташкил этилиб, уларга тест синовларини ўтказиш низоми тарқатилди. Яратилаётган бундай қулайликлар ва тест синовларининг ошкора, холислик руҳида ўтаётганидан ота-оналар ҳам мамнун.

— Ўғлим Умиджон Термиз давлат университетининг жисмоний маданият факультетига ҳужжат топширди, — дейди жарқўрғонлик Сафия Норматова. — У болаликдан спорт билан шуғулланади. Оғир атлетика бўйича Ўзбекистон чемпионатида иштирок этиб, олтин ва кумуш медалларни қўлга киритган. Яқинда Осиё чемпионатида ҳам совринли ўринни эгаллади. Университетда дастлабки касбий имтиҳонларни топшириб, яхши балл тўплашга эришди. Фарзандларимизнинг соғлом вояга етиши ва замонавий ўқув юртларида таълим олиши учун яратилаётган шароитлардан ғоят хурсандман.

Тест синовлари натижасига кўра, энг юқори балл тўплаган 573 абитуриент давлат гранти, 1 минг 62 йигит-қиз эса шартнома-тўлов асосида ўқишга қабул қилинади.

**Х.МАМАТРАЙИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Истиқлол имкониятлари

# ХОРАЗМ: ЮКСАЛИШ ВА ЯШАРИШ ЖАРАЁНИДА


«Авесто» боғи мажмуаси


Огаҳий номидаги театр


Урганч шаҳридаги марказий майдон


Урганч шаҳридаги «Бахт уйи»


Республика ихтисослашган урология маркази Урганч филиали

Яна денг, вилоятда пахта чигитидан ёғ оладиган атиги битта завод ва темир-бетон қурилмаларини тайёрлайдиган қандайдир алмисоқдан қолган корхона бор эди. Жаҳоний, замонавий технологиялар ҳақида гапириш хаёлга ҳам келмасди.

Мустақилликдан сўнг вилоятда бу соҳада қандай ўзгаришлар бўлганини таърифлаб охирига етказиш қийин. Уларнинг кўламини, нуфузини фақат кўз билан кўриб, ҳис этиш, англаш мумкин. Ўнлаб йирик корхоналар қисқа муддатда қурилиб, сифатли, рақобатбардош, жаҳоний андозалардаги маҳсулотлар ишлаб чиқара бошлади.

«Гурлантекс» корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бугун ҳатто океан ошмоқда.

«Хоразмшакар» бутун юртимиз аҳлининг шакар маҳсулотига бўлган талабини қондирмоқда. Ортиқчаси хорижга чиқарилмоқда.

«Боғоттекстиль», «Хоразм Нуртоп» қўшма корхоналари маҳсулотлари ғоятда харидоргир.

Шу ўринда бир неча рақамга назар соламиз. Ўтган йили саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 12 фоизга ошган. Аҳоли истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми эса 15,4 фоизга ўсиши таъминланган. Ёки биргина ўтган йили 206,2 миллион доллар миқдорида экспорт амалга оширилиб, бунинг натижасида ташқи савдо айланмасида 121 миллион доллар миқдорида ижобий сальдога эришилган. Ҳукуматимизнинг ташқи ва ички инвестициялар жалб қилиш бўйича дастури доирасида жами 41,9 миллион доллар миқдоридаги инвестициялар жалб қилинган.

Бу режалаштирилганидан олти миллион долларга кўпдир.

Ўтган йили ўта оғир келган сувсизлик шароитида ҳам вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш салкам саккиз ярим фоизга ўсиши таъминланди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

**Юсуфбой ХУДАЙБЕРГАНОВ,**
***меҳнат фахрийси, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди:***

— Ростини айтсам, умр бўйи бировлар учун ишлаган эканмиз. Ҳаётимиз далада — пахтазорда ўтди. Ўзимиз етиштирган пахтадан тайёрланган кийим — кечакларни пештахта остидан — бировлардан сарғайиб харид қилганмиз-а! Истиқлолга минг раҳмат! Мана бир-биридан ҳашаматли, чиройли, қудратли корхоналаримиз ишлаб турибди. Ёшларимиз тўқувчи, йигирувчи касбларини эгаллашган. Минглаб оилалар қозони шу корхоналар орқали қайнамоқда. Дўконларимиздан исталган маҳсулотни харид қиляпмиз. Ўзингда бўлганига не етсин.

...Қадим-қадимдан хоразмликлар онгида «кечув» атамаси қаттиқ ўрнашиб қолган. Негаки, энг серсув, серғалва Амударёнинг икки қирғоғида аҳил, қондош яшаб келаётган кишилар учун бирбирлари билан дийдорлашиш мушкулотга айланганди. Ёзда дарё тошган кезларда сол-қайиқларда, қишда эса тўнғиб қолган муз устидан минг қўрқув, таҳлика билан кечиш... Қаттиқ шамол туриб, қайиғи ағдарилган қанча, муз ўйилиб, дарё тубига ғарқ бўлган қанча!

Атиги икки аср илгари Хива ҳукмдори Элтузархоннинг айнан дарё кечув вақтида қайиқ ағдарилиб, шаҳид кетганини айтсак, бу дарёдан кечиб ўтиш қанча йиллар давомида катта муаммо бўлиб келгани маълум бўлади.

**Юсуфбой РЎЗМАТОВ,**
***Боғот туманидаги «Анвар Акбар» фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор, ЎзХДП фаоли:***

— Шўро замонида кўчма поромлардан «кўприк» яратилди. Ёзда сув тошса, ё қишда муз тиқилса «вақтинча ишламасди». Вақтинча деганимиз баъзида икки-уч ойга чўзиларди. Икки қирғоқдаги қардош, қондош халқ бордикелдиси минг азобга айланарди. Ахир қуда-андачилик бу маконда минг йиллардан буён давом этади. Ё тўйга, ё азага бориш керак... Истиқлолдан сўнг жуда қисқа муддатда кўз кўрса қувонадиган «Ҳазорасп-Мискин» кўприги барпо этилди. Юртбошимиз бу эзгу иш бошида турди. Орадан кўп ўтмай, «Беруний-Чолиш» кўприги ишга туширилди. Минг йиллар давомида кўприк кўрмаган дарёга ўн йилнинг нари-берисида икки кўприк қурилди-я!...

**Қутлимурот НУРАДИНОВ,**
***халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати:***

— Ҳар куни ишга шаҳар кўчалари бўйлаб қатнайман. Ўзгаришлар кўз ўнгимизда рўй бераётганига кўникдик. Агарда бир йил олдин шаҳарга келган меҳмон қайта келса, ҳайратга тушиши турган гап. Аэропортдан шаҳарнинг бош майдонига олиб борадиган шоҳкўчада шу муддатда бири биридан чиройли, кўп қаватли уйлар қад ростлади. Истироҳат майдончалари, мусиқали фавворалар ишга тушди. Олти ой ичида бутун шаҳар танимайдиган ҳолга келди-я. Қойил қолмай иложимиз йўқ. Бутун дунёда иқтисодий муаммолар қалашиб ётган пайтда бундай улкан бунёдкорликлар учун маблағ топилаётгани ҳукуматимизнинг одилона сиёсати меваси деб биламан...

Вилоятда ким билан суҳбатлашмайлик, улкан ютуқлар қаторида албатта спорт соҳасидаги янгиланишларни фахр билан тилга олади. Дарҳақиқат, ёшлар спорт билан шуғулланишлари учун катта имкониятлар яратилди. Биргина ўтган йили амалга оширилган ишлар ҳақида мухтасар тўхталсак, бутун бир жараён кўлами кўз олдимизга келади. 2011 йилда болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан битта сузиш ҳавзаси, йирик спорт мажмуаси, учта болалар спорт майдончаси, тўртта умумтаълим мактабига қўшимча спорт зали қурилди.

Бугун вилоятнинг энг чекка қишлоғида ҳам катта-ю — кичик спорт майдончаси, зали, сузиш ҳавзалари бор. Ёшлар учун исталган спорт тури билан узоққа — шаҳарга қатнамай шуғулланиш имконияти яратилган. Самара — воҳа ёшларининг жаҳон, Осиё имкониятлари, халқаро мусобақаларда қўлга киритган, киритаётган медаллари. Энг асосийси эса ёшларимизнинг соғлом, баркамол бўлиб вояга етишига пухта замин яратилгани.

***«Қишлоқ қурилиш инвест» инжеиеринг компанияси вилоят филиали директори*** **Жумабой СУЛТОНОВ** шундай рақамларни келтиради:

— Юртбошимиз ташаббуси билан намунавий лойиҳалар асосида қишлоқ жойларида турар-жойлар қуришга киришилганига атиги уч йил бўлди. Ўтган даврда вилоятда 1160 та ана шундай уйлар қурилиб, эгаларига топширилди. Бундай турар-жойлар энг чекка қишлоқларда ҳам қурилаётгани эътиборга лойиқ. Жорий йилда яна 650 та ана шундай турар-жойлар қурилади. Бунинг учун жами 65 миллиард сўм маблағ сарфланади. Шунинг 49 миллиард сўми имтиёзли кредитлар ҳисобидан. Айнан шундай имтиёз туфайли бугун намунали қишлоқ уйларига бўлган талаб-эҳтиёж ошиб бормоқда. Энг қувонарлиси янги турар-жойларни олганлар орасида умри далада ўтган деҳқон-пахтакорларнинг кўплигидир. Демак, элдошларимизнинг иқтисодий қуввати тобора кўтариляпти. Зеро, юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлардан мақсад ҳам шу!.

...Воҳада қиш ҳийла чўзилди. Ҳатто қариялар ҳам қишнинг деярли беш ой давом этганини эслай олмайдилар. Шундай оғир шароитда ҳам бутун қиш бўйи бунёдкорлик, қурилиш ишлари тўхтамади.

Давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан вилоятда саноат потенциалини оширишга қаратилган бир қатор лойиҳалар амалга оширилаётгани, аҳоли учун яратилаётган қулайликлар, тоза ичимлик суви таъминотини яхшилаш, қишлоқ жойларида сервиз ва хизмат кўрсатишни замонавий йўлга қўйиш каби ишлар вилоят аҳли кўнглини тоғдек кўтармоқда.

2012 йилда вилоятда амалга оширилиши керак бўлган ишлар кўлами ғоятда кенг ва рангбаранг. Яхшиси, бу ҳақда мухтасаргина маълумотларни келтириб ўтамиз. Кўламни ўзингиз тасаввур қилаверасиз.

Қишлоқ жойларида истиқомат қилаётган аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш мақсадлари учун 18 миллиард сўм ажратилган. Бу жараён 68 та ҳудудда олиб борилиб, 63 минг аҳолининг тоза ичимлик сувига бўлган талаби тўла қондирилади.

Урганч, Хива, Питнак шаҳарларининг канализация тармоқларини таъмирлаш учун 60 миллион АҚШ доллари миқдорида хориж инвестициялари жалб қилинади.

Ўтган йилга нисбатан 60 километр кўпроқ сув қувурлари ётқизилади. «Капарас» сув омборидан тоза ичимлик сув берувчи иккинчи қувурни ётқизишга киришилади.

Урганчда асфальт-бетон қоплама ишлаб чиқарадиган янги завод қурилади. Бу эса амалдаги йилда 358 километр узунликдаги йўлларни тўла таъмирлашга имкон яратади.

Урганч шаҳрининг марказий кўчаларида 9 та беш қаватли, 78 та уч қаватли турар-жойлар қурилади.

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК томонидан эллик минг паррандага мўлжалланган паррандачилик, минг бош қорамолга мўлжалланган чорвачилик мажмуаси барпо этилади.

Вилоятда бўш турган 97 та объектни ишга тушириш мақсадида 96 миллиард сўм ва 60 миллион АҚШ доллари миқдоридаги лойиҳалар амалга оширилиб, 5000 иш ўрни яратилади.

Урганч шаҳрида маиший асбоб-ускуналар корхонаси, Янгиариқ ва Шовот туманларида йирик тўқимачилик мажмуалари Питнак шаҳрида тикувчилик фабрикаси ишга тушади.

Биз шу ўринда барпо бўлажак, аллақачон қурилиши бошланган янги саноат корхоналарининг айримларини санаб ўтдик холос. Аслида жорий йилда вилоятда юқоридаги бунёдкорлик ишлари учун салкам саккиз юз миллиард сўм ва 155 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ йўналтириляпти. Ушбу дастур орасида 1100 дан ортиқ турли объектлар бор. Яна тағин Республика ҳукумати томонидан қўшимча маблағлар ажратиш кўзда тутилган.

Юртбошимиз ўз маърузаларида: «2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади», деб ишонч билан таъкидлаганини бежиз эмас. Бу эзгу ният ҳақиқатга айланаётганини юртимизнинг чекка бир вилояти — Хоразмда бугун амалга оширилаётган ишлар кўлами ҳам яққол кўрсатиб турибди.

**Рўзимбой ҲАСАН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

Тадбир

# АҲОЛИГА АВТОТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ СИФАТИ ЯХШИЛАНМОҚДА

**ПОЙТАХТИМИЗДА ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ВА ДАРЁ ТРАНСПОРТИ АГЕНТЛИГИНИ ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИГИ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН МАТБУОТ АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА АГЕНТЛИКНИНГ МАСЪУЛ ХОДИМЛАРИ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.**

Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасида автомобиль транспорти хизматлари бозорида соғлом рақобат муҳити ривожланиб, кўрсатилаётган хизматлар сифати тобора ошиб бормоқда.

Тадбирда Президентимизнинг 2006 йил 9 мартдаги «Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарори соҳадаги ишлар кўламини кенгайтириш, кўрсатилган хизматлар сифатини тобора яхшиланиб боришига хизмат қилаётгани таъкидланди.

Анжуманда агентлик бошлиғининг ўринбосари Шоолим Шоваҳобов бугунги кунда йўловчи ва юк ташиш ишлари кўлами ҳамда сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани, соҳада рақобат муҳитини ривожлантириш мақсадида, йўловчи ташиш йўналишлари очиқ тендер танловлари орқали амалга оширилаётгани, йўналиш бўйлаб ҳаракатланаётган транспорт воситалари техник, ҳайдовчилар мунтазам тиббий кўрикдан ўтказилаётгани аҳолига сифатли ва хавфсиз транспорт хизмати кўрсатишда муҳим ўрин тутаётганини таъкидлади. Шунингдек, соҳада 2000 йилда Республика бўйича 2000 тага яқин йўловчилар ташиш йўналишлари фаолият кўрсатган бўлса, ҳозирги кунда йўналишлар сони 3991 тага етгани ҳамда уларнинг 991 таси шаҳар, 2386 таси шаҳар атрофи ва 614 таси шаҳарлараро йўналишларида фаолият кўрсатаётгани ҳақида ҳам тўхталиб ўтилди.

Жорий йилнинг 6 ойи давомида Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқарилган «Isuzi» русумли автобуслардан Хоразм вилоятида 28 та, Навоийда 22 та, Қашқадарёда 21 та, Бухорода 20 та, Фарғонада 15 та, Сурхондарёда 10 та, Тошкент вилоятида 8 та, Андижонда 5 та, Самарқандда 3 та ва Қорақалпоғистон Республикасида 1 та, жами 133 та автобуслар лизинг асосида сотиб олиниб, шаҳар ва шаҳар атрофи йўналишларида хизмат кўрсатилиши йўлга қўйилди.

Ҳозирда юртимизнинг чекка қишлоқларида ҳам йўловчи ташиш транспорт хизмати намунали йўлга қўйилган. Жумладан 2012 йилнинг январь-июнь ойларида режалаштирилган 83 та йўналиш ўрнига 118 та йўловчи ташиш йўналишлари ташкил қилинди.

Бундан ташқари, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика мувофиқлаштириш Кенгашининг режасига кўра, 15 та хўжалик субъектининг автотранспорт фаолияти текширувдан ўтказилганда, ушбу корхоналарда лицензия талаблари ҳамда шартлари бузилиши ҳолатлари аниқланган. Яъни улар лицензиясиз автотранспорт воситаларидан фойдаланган ва уларнинг ҳужжатлари қонун доирасида кўрилиб тегишли чора кўрилиши учун солиқ органларига топширилган. Шунингдек, ўтган олти ой давомида қонун талаблари доирасида иш олиб бормаган 47 та лицензиатларнинг лицензияси 10 иш кунига тўхтатиб қўйилди.

Тадбирда агентлик томонидан автотранспорт соҳасига ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши, жумладан, «SMS орқали маълумотлар базасидан» интерактив хизмати ҳамда GPS тизими шунингдек, келгусидаги амалга ошириладиган ишлар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Анжуманда журналистларни қизиқтирган бошқа саволларга ҳам батафсил жавоб берилди.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ**

## Диққат!

# ТЕЗКОР РАҚАМЛАР ЎЗГАРДИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2012 ЙИЛ 4 АПРЕЛДАГИ 08.36-18 СОНЛИ ТОПШИРИҒИГА АСОСАН, ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ ТОМОНИДАН ХАЛҚАРО ЭЛЕКТРАЛОҚА ИТТИФОҚИ ТАВСИЯЛАРИГА МУВОФИҚ ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН «ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТАРМОҚЛАРИНИ РАҚАМЛАШ ТИЗИМИ ВА РЕЖАСИ» АСОСИДА ШАҲАРЛАРАРО ВА ХАЛҚАРО ТЕЛЕФОН СЎЗЛАШУВЛАРИНИ «0» ВА «00» КОДЛАРИ ОРҚАЛИ АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА ТЕГИШЛИ ИШЛАР БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ИЖРО ЭТИЛМОҚДА.**

**Жумладан:**

Шошилинч ва махсус хизматларга чиқиш рақамлари Тошкент шаҳрида 2012 йил 5 апрелдан:

«01» (ёнғин хавфсизлиги) рақами **«101»,**
«02» (милиция) рақами **«102»,**
«03» (тез ёрдам) рақами **«103»,**
«04» (газ хизмати) рақами **«104»,**
«050» (қутқарув хизмати) рақами **«1050»,**
«0xx» (бошқа хизматлар) рақами **«10xx»** рақамларига ўзгартириш бошланди.

Ҳурматли ҳамшаҳарлар ва шаҳримиз меҳмонлари!

Тезкор вазиятда ушбу рақамларга мурожаат қилишингизни сўраймиз.

**Тошкент шаҳар ИИББ**
**Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси.**

Хориж

# ГЕОЛОГИК ҲАВЗА ҚУРИЛИШИ

*пойтахтга хавф солмоқда*

***20 миллиондан ортиқ аҳоли яшайдиган Мексика пойтахти Мехико кўчаларида кейинги пайтда кўплаб чуқур жарликлар пайдо бўлмоқда. Натижада пойтахт шаҳар кишилар кўз ўнгида сезилар-сезилмас чўкиб бормоқда.***



ИТАР-ТАСС мухбирининг хабар беришича, Мехикода йирик геологик ҳавза қурилиши бунга сабаб бўлган. Маълумотларга кўра, XIX асрнинг охирларидан буён шаҳар ери қарийб 15 метрга чўккан.

Соҳа мутахассислари Мехикодаги 400 га яқин ҳудудни хавфли зона деб эълон қилди. Уларнинг айтишларича, агар зарур чоралар кўрилмаса, минглаб турар-жой бинолари вайрон бўлиши, одамлар ҳаёти хавф остида қолиши эҳтимолдан холи эмас.

# ЙИЛ БОШИДАН БЕРИ

*255 нафар ҳарбий...*

***Афғонистонда давом этаётган ҳарбий тўқнашувлар натижасида ҳаётдан бевақт кўз юмганлар сони нафақат ҳарбийлар орасида, балки тинч аҳоли орасида ҳам ортиб бормоқда. 2001 йилдан бери биргина иттифоқчи кучлар ҳарбийлари орасидаги йўқотишлар сони 3,1 мингдан ортиб кетган бўлса, шундан 2,05 минги АҚШ ҳарбийларидир.***



Иттифоқчи кучлар контингенти матбуот хизматидан олинган манбаларга асосланиб, «Пажвак» АА хабар беришича, жорий йил бошидан бери йўқотишлар сони 255 ҳарбийни ташкил этган. Энг кўп ҳарбий май ойида бой берилган — 45 нафар. Июль ойида эса иттифоқчи кучлар контингентининг 35 нафар ҳарбийси тўқнашувларда ҳалок бўлди.

# ВЕЛОСИПЕДДА ҲАРАКАТЛАНИШ УЧУН

*алоҳида йўллар қурилмоқда*

***АҚШ ва Европада велосипедлаштириш жараёни жадаллик билан давом эттирилмоқда. Июль ойининг ўзида Нью-Йорк шаҳри маъмурияти 10 мингта велосипедни ижарага чиқарди. Лос-Анжелесда эса велосипедлар жамоат транспортига айлантирилди, яъни автомобиль, автобус сингари транспорт уловлари ўрнини босувчи велосипедда юриш жорий этилди. Вашингтон, Чикаго ва Майами каби йирик шаҳарлар маъмуриятлари ҳам шундай лойиҳалар устида иш олиб бормоқда.***



Мақсад: автотранспортлардан ҳавога чиқарилаётган заҳарли газлар миқдорини ҳамда йўллардаги тирбандликларни камайтириш.

Яқинда Данияда ҳам фақат велосипедлар ҳаракатига мўлжалланган 20 километр узунликдаги алоҳида махсус, кенг ва равон йўлни фойдаланишга топшириш тантанали маросими ўтказилди. Бу йўл Альбертслунд шаҳарчасини Копенгаген билан боғлайди. Унинг бирорта жойидан автомобиль йўли кесиб ўтмаганлиги ҳайратланарлидир. Шунинг учун ҳам бу йўлда велосипедда ҳаракатланувчилар кундан-кунга кўпайиб бормоқда.

Статистик маълумотларда қайд этилишича, бугунги кунда Копенгаген аҳолисининг тенг ярми ишга ва бошқа юмушлар учун велосипедда қатнамоқда.

Копенгагенда транспорт ҳаракатини режалаштириш бўлими раҳбарининг «Нью-Йорк таймс» мухбирига берган интервьюсида таъкидлашича, эндиги мақсад вилоятларни ҳам шаҳарлар билан боғловчи велосипед йўллари қуришдир.

Дарвоқе, Дания маъмурияти велосипедлаштириш лойиҳасини кенг жорий этиш мақсадида яна 26 та узоқ масофали йўл қуришни режага киритди.

# КУРАШЛАР КЕСКИН ДАВОМ ЭТМОҚДА

Кеча яна бир вакилимиз Дилшод Чориев (90 кг) гиламга чиқди. У дастлабки учрашувда швециялик Маркус Хуанни очколар ҳисобида енгди. Сўнгра, ҳамюртимиз венгриялик Томас Мадарацни катта устунлик билан мағлубиятга учратди. Осиё чемпиони ва жаҳон чемпионати совриндори Дилшод Чориев чорак финалда Тияго Камило (Бразилия)га рўбарў келди. Аммо ярим финал йўлланмаси учун кечган беллашувда Дилшод мағлубиятга учради. Натижада дзюдочимиз бронза медали учун курашда давом этди. Дилшод Чориев илк беллашувнинг асосий ва қўшимча вақтида япониялик спортчи билан тенгма-тенг баҳс юритди. Якунда ҳакамлар қарорига кўра, ғалаба унинг рақибига берилди.

**Бугун дзюдо беллашувларида таниқли полвонларимиздан бири Рамзиддин Саидов (100 кг) Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади.**



Лондон олимпиадасига боксчиларимиздан олти нафари йўлланма олган эди. Тўғри, вакилларимиздан Орзубек Шоимов (56 кг) дастлабки учрашувдаёқ бразилиялик спортчига имкониятни бой берганди. Аммо қолган вазн тоифаларида «чарм қўлқоп» усталаримиз ўзларининг ғалабали юришларини давом эттиришмоқда. Жумладан, Фазлиддин Ғойибназаров (60 кг) камерунлик, Аббос Атоев (75 кг) марокашлик боксчиларни доғда қолдириб, кейинги босқичга йўлланмаларни қўлга киритишди.

Бокс бўйича тўртинчи куни кечган жангларда яна бир ҳамюртимиз Ўктамжон Раҳмонов (64 кг) рингга чиқди. У эквадорлик Андерсон Рохас Минни 16:10 ҳисобида енгиб, медаллар учун курашиш имкониятини сақлаб қолди.

Ўтган йили Боку (Азербайжан)да ўтказилган жаҳон чемпионати бронза медали совриндорлари Жасурбек Латипов (52 кг) ҳамда Элшод Расулов (81 кг)лар эса баҳсларга эртадан қўшилишади. Қуръага кўра, унда Жасурбек мисрлик Хисам Абдуллоҳ, Элшод эса тунислик Алмекачарийга қарши кураш олиб боради.

Лондон олимпиадасида ҳозирча оғир атлетикачиларимизнинг унчалик омади чопмаяпти. Марина Сисоева, Руслан Макаров сингари спортчиларимиз баҳсларни барвақт тарк этганди. Яна бир ёш ва умидли оғир атлетикачимиз Баҳром Мендибоев (69 кг) учун ҳам Лондон олимпиадаси тажриба ва маҳорат мактаби вазифасини ўтаб берди.

Баҳслар давом этмоқда. Кеча шунингдек, қиличбозлик бўйича ҳамюртимиз Руслан Кудаев ҳамда теннисчимиз Денис Истоминлар майдонга тушдилар. Аммо ҳар икки спортчимиз ҳам рақибларига ютқазиб, мусобақани якунлашга мажбур бўлишди.

Хабарингиз бор, мусобақалар дастуридан жой олган футбол учрашувлари ҳам ниҳоятда муросасиз ва ҳаяжонларга бой бўлмоқда. Гарчи, унда мамлакатимиз олимпиячилари иштирок этмаётган бўлса-да, таниқли ФИФА рефериси Равшан Эрматов ҳамда ФИФА лайнсмени Абдуҳамидулло Расуловлар ўзларига билдирилган ишончни оқлашмоқда. Ҳамюртларимиз гуруҳ босқичининг дастлабки турида Буюк Британия — Сенегал терма жамоалари ўйинида майдонга тушишганди. Кеча Равшан Эрматов Мексика — Швейцария футболчилари ўйинини бошқариб борди, унга қанотларда Абдуҳамидулло Расулов ҳамда Баҳодир Кўчқоров (Қирғизистон)лар ёрдам қилди.

XXX ёзги Олимпия ўйинларининг дастлабки тўрт куни натижаларига кўра, умумжамоа ҳисобида хитойликлар пешқадам бўлиб туришибди. Улар ҳисобида жами 23 (13 та олтин, 6 та кумуш ва 4 та бронза) медаль бор. Кейинги ўринларни АҚШ (9 та олтин, 8 та кумуш ва 6 та бронза) ҳамда Франция (4-3-4) мамлакатлари спортчилари банд этишган.

**Эркин ХОЛБОБО,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*



## Оила ҳақидаги ҳикматлар

Эр-хотин узоқ йиллар бирга бўлиб шодлик ва ғамни бирга баҳам кўрадилар, ҳаётий қийинчиликларни биргаликда енгадилар. Баъзан шундай ҳам бўладики, бу иккала ҳаёт шериклари иккинчи томонни бир хато ҳаракати ёки қаттиқ муомаласи билан хафа қилади. Бу ҳолатда агарда қарши томон ўч олиш фикрига тушиб, ўша тариқада ҳаракат ва муомала қилмоқчи бўлса, бу қаршилик ҳақоратга ва жанжалга айланишига шубҳа қолмайди. Оқибат бу иккала йўлдош бир-бирларидан ажралиб кетадилар, шу баҳона уларнинг саодат биноси бахтсизлик ва норозилик билан ерга яксон бўлади...

Шу тариқа қайси хонадонда ҳафтада бир неча марта бундай жанжал ва хафаликка олиб келадиган воқеалар бўлса, саодат ва бахт, албатта, бу уйда бўлмайди. Эр-хотин бир-бирини хафа қилиб қаттиқ муомала қилса, бир томон ўзини эшитмаганга олсин ва жаҳлини ичига ютсин. Бошқа куни эса ширин сўз ва ҳалимлик билан қаллиғига: «Кеча қилган ҳаракатинг номуносиб эди, бундай ҳаракатларни бошқа қилмагин», — деб тушунтирсин. Ана шу яхши муомалани муросаю мадора дейдилар.

**Абдурауф ФИТРАТ**

## ОБ-ҲАВО 02-03 – 08. 2012

**Юртимиз бўйлаб (°С)**

| | | |
|---|---|---|
| **Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти** | | |
| +17 / +22 | +30 / +35 | |
| **Бухоро ва Навоий вилоятлари** | | |
| +17 / +22 | +31 / +36 | |
| **Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари** | | |
| +18 / +23 | +33 / +38 | |
| **Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари** | | |
| +18 / +23 | +33 / +38 | |
| **Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари** | | |
| +17 / +22 | +32 / +37 | |
| **Тошкент шаҳри** | | |
| +18 / +20 | +33 / +35 | |

**Дунё бўйлаб (°С)**

| | |
|---|---|
| Лондон | +15 / +15 |
| Париж | +17 / +16 |
| Москва | +17 / +15 |
| Мадрид | +19 / +19 |
| Пекин | +21 / +23 |
| Гонгконг | +28 / +27 |
| Рим | +21 / +21 |
| Афина | +24 / +25 |
| Токио | +27 / +26 |
| Стокгольм | +12 / +15 |
| Кейптаун | +9 / +11 |
| Қоҳира | +26 / +28 |
| Гавана | +25 / +24 |
| Вашингтон | +22 / +21 |

### Истеъдодли ёшлар — миллат ғурури, мамлакат таянчи!



# «СУРАТЛАРДА ВАТАНИМ МАДҲИ»

**ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИНИНГ МАРКАЗИЙ ЗАЛИДА КЎКСИДА ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ НИШОНИ ЯЛ-ЯЛ ТОВЛАНИБ ТУРГАН БУ ҚИЗЛАРНИНГ БИРИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАН, ИККИНЧИСИ ХОРАЗМДАН, ЯНА БИРИ ЖИЗЗАХДАН... БУ ИҚТИДОРЛИ МУСАВВИР ҚИЗЛАРНИНГ МЕҲНАТ-ИЖОДЛАРИ ИСТИҚЛОЛ ТУФАЙЛИ ЮЗАГА ЧИҚДИ, ЮКСАК МУКОФОТГА МУНОСИБ КЎРИЛДИ.**

Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллиги арафасида санъат йўналишида тақдирланган бу истеъдодли қизлар асарлари кўргазмаси Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси томонидан ташкил этилди. Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова тадбирни очар экан, Президентимиз томонидан истеъдодли қизларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилаётганини таъкидлади. Ўзларининг билимдонлиги, меҳнатсеварлиги, тиришқоқлиги, интилувчанлиги, одоб-ахлоқи билан намуна бўлаётган қизларнинг ҳар йили адабиёт, маданият, санъат, фан, таълим ва спорт йўналишлари бўйича Зулфия номидаги Давлат мукофотига лойиқ кўрилаётгани бунинг ёрқин исботидир.

Бу ижодий кўргазма «Суратларда Ватаним мадҳи» деб бежиз номланмаган. Чунки уларнинг ижодида мустақил Ўзбекистонимизнинг ажойиб табиати, юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорликлар, меҳнаткаш халқимиз орзу-истаклари ўз ифодасини топган. Аслида шундай муҳташам кошонада ёш мусаввир қизларнинг кўргазмаси ташкил этилишининг ўзи улар учун катта шараф. Бу шубҳасиз уларни бундан кейин янада фаол ижод қилишга ундайди.

— Мустақиллик — энг олий неъмат, — дейди **қорақалпоғистонлик Бибиназ КАИПОВА.** — Истиқлол, айниқса, биз ёшларга чексиз имкониятлар эшигини очди. Мен ҳам тасвирий санъат асарларимни юртимиз ва хорижда ўтказилган нуфузли халқаро кўргазмаларда намойиш этдим. Польша, Ҳиндистон каби мамлакатларда ташкил этилган халқаро кўрик-танловларда қатнашдим. Ижодимда Қорақалпоғистон табиати манзараларини меҳр билан чизганим учун улар кўпчилик томонидан эътироф қилинди. Мен ижод жараёнида Ватан туйғусини янада чуқурроқ туйдим ва болалигимдан рассомлик сирларини ўргатиб келаётган отам ҳамда устозим Жамол Усмоновдан янада миннатдор бўлдим.

— Манзара жанрида ишланган асарларимда қишлоғимизнинг қир-адир, боғ-роғлари, маҳаллаларимизнинг сокин кўчалари, миллий ҳунармандчилигимиз билан шуғулланаётган бобо-момоларимиз ва улардан касб сирларини ўрганаётган ёшларимиз образини яратишга ҳаракат қилганман, — дейди **паркентлик Сурайё МАЪМУРБОЕВА.** — Келажакда билим ва маҳоратимни ошириш учун олий ўқув юртида ўқимоқчиман.

— Қизларимизнинг кўргазмага қўйилган асарларини кўрар эканман, юртимизда янги истеъдодлар вояга етаётганидан хурсанд бўлдим, — дейди **Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Акмал НУРИДДИНОВ.** — Истагим — бу истеъдодли қизларимиз келажакда ўзларининг шахсий кўргазмаларини ташкил этишсин. Уларни ҳаёт ва ижод йўлларида ҳар доим қўллаб-қувватлаб бориш эса биз катталарнинг бурчимиздир.

**Альбина ЖУМАНОВА**

### Ёзги таътил — 2012

# ТАЪТИЛ МАРОҚЛИ ЎТМОҚДА

**БУГУН МАМЛАКАТИМИЗДАГИ БОЛАЛАР ОРОМГОҲЛАРИДА ҲАЁТ ҚАЙНАМОҚДА. ТАБИАТ БАҒРИДА, СЎЛИМ МАСКАНЛАРДА ЁЗГИ ТАЪТИЛНИ ЎТКАЗАЁТГАН БОЛАЛАР УЧУН БАРЧА ШАРОИТЛАР ЯРАТИБ БЕРИЛГАН. ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «БОЛАЛАРНИНГ ДАМ ОЛИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА СОҒЛОМЛАШТИРИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ АСОСИДА БАРЧА БОЛАЛАР ОРОМГОҲЛАРИ МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИ МУСТАҲКАМЛАНДИ.**



Суратда: «Соҳибкор» болалар оромгоҳидан лавҳа.

Ана шундай оромгоҳлардан бири, Самарқанд вилояти Булунғур тумани Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимига қарашли «Соҳибкор» болалар оромгоҳидир.

— Бизнинг оромгоҳимиз туманимиздаги энг сўлим жойлардан бирида жойлашган бўлиб, бу ерда болалар кўнгилдагидек дам олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган, — дейди оромгоҳ директори Дилором Маматова. — Айниқса, спорт майдончалари ва сув ҳавзаси болалар билан доимо гавжум. Турли кўрик-танловлар, спорт мусобақалари ташкил этилади. «Қувноқ стартлар», мусобақаларида болалар қизиқиш билан қатнашади. Бу каби тадбирлар ўқувчи ёшлар ёзги таътилни мароқли ўтказишлари ва улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга хизмат қилади.

**Ўз мухбиримиз**



MUASSIS:
O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY’ATI:
Abdulla ORIPOV, Latif G‘ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug‘bek MUSTAFOYEV, Tat’yana KISTANOVA (Bosh muharrir o‘rinbosari), Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO‘LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49;
Madaniyat va ma’naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ‘ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e’lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko‘chasi, 32-uy.

*Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro‘yxatga olingan.*

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

**Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.**

«O‘zbekiston ovozi» materiallarini ko‘chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 846
*10525 nusxada bosildi.*

*t — Tijorat materiallari*
O‘zA yakuni — 20.25
Topshirilgan vaqti — 02.20

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Nurali ORIPOV

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG‘ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5